

## 2- 43. Намозни тўқис адо қилинг

03:15 / 27.05.2017 4490

مَيِّحٌ رَّجُلًا نَمُحًّا رَّجُلًا لَّهِ لَمَسٌ

نَيِّعُ كَارِلًا عَمَّ أَوْعُ كَرَاوَةَ كَزَلًا أَوْتَاوَةَ لَّصَلًا أَوْمِي قَاوُ

**Бақара 43. Намозни тўқис адо қилинг, закотни беринг ва рукуъ қилувчилар билан рукуъ қилинг.**

**Яъни** «Эй Бану Исроиллар, сиз ҳам мусулмон бўлиб, мусулмонлар ўқийдиган намозни ўқинг, улар молларининг закотини берганидек, сиз ҳам беринг ва жамоат намозларида қатнашиб, рукуъ қилувчилар билан бирга рукуъ қилинг».

Сўнгра яҳудийларнинг, хусусан, уларнинг диний олимларининг одамларни иймонга, яхшиликка чақириб туриб, ўзлари ўша чақирикқа амал қилмаётганлари фош этилади ва инкор қилинади. Бу умумий қоида бўлиб, ҳаммага тегишлидир.